

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУҚОДИРОВ ШЕРЗОД ЁҚУБЖОНОВИЧ**

**ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ  
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation**

**Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонович**

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий  
ва криминологик жиҳатлари..... 3

**Абдуқадиров Шерзод Ёқубжонович**

Уголовно-правовые и криминологические аспекты преступлений в сфере  
хозяйственной деятельности..... 33

**Abdukodirov Sherzod Yakubjanovich**

The challenge of crime in the sphere of economic activity criminal and  
criminological aspects..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.YU.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУҚОДИРОВ ШЕРЗОД ЁҚУБЖОНОВИЧ**

**ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ  
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Yu16 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тахиров Фарход</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Отажонов Абдоржон Анварович</b> юридик фанлар доктори, доцент <b>Маҳкамов Отабек Мухтарович</b> юридик фанлар доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги</b> <b>Юристар малакасини ошириш маркази</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «26» декабрь соат 10.00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш. Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш. Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2018 йил «12» декабрь куни тарқатилди.  
(2018 йил «12» декабрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

**Ў.Х.Мухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**И.Ю.Фазилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

**А.Г.Закирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тадбиркорлик фаолияти халқаро миқёсда жадал ва кенг миқёсда ривожланиб бораётган соҳалардан ҳисобланади. Ривожланган давлатлар иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2010–2017 йилларда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 50–52 %, Европа Иттифоқида 65–68 %, Германияда 55–57 %, Италияда 58–60 %, Францияда 55–57 %, Россия 23–25 %ни, Хитойда 58–60 %ни ташкил қилган<sup>1</sup>. Ижобий жиҳатлар билан бирга, хўжалик фаолияти ва тадбиркорлик соҳасида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ҳаракатларни изчил давом эттириш зарурати ошиб бормоқда.

Жаҳонда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш имконини кенгайтириш, жиноят содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазоларни кенгроқ қўллаш, жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш бўйича жиноят-ҳуқуқий нормалар ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, криминология назариясида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, фуқароларда ғайриқонуний тадбиркорлик фаолияти шакллариغا муросасизлик муносабатини шакллантириш, хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштиришга, бошқарувнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этишга, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, хўжалик фаолияти соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича норматив-ҳуқуқий база такомиллаштириб борилмоқда. Республикамизда «тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади»<sup>2</sup>. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик

<sup>1</sup> Захарова Н.В., Лабудин А.В. Малое и среднее предпринимательство в европейских странах: основные тенденции развития // Управленческое консультирование. – № 12. – 2017. – С. 67.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимиз биздан қонун ва адолат устуворлигини амалда таъминлашни кутмоқда // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 206.

белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, мазкур соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996), «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (2000), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Рақобат тўғрисида»ги (2012) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, New York University, Rutgers University, Stanford University, University of Minnesota, University of California, Columbia University (USA), University of New South Wales (Australia), University of Oxford, University of Cambridge (England), Universität Leipzig (Germany), International Institute of Social Studies (Netherlands), European Institute for Crime Prevention and Control (Finland), Université Panthéon-Assas (France), University of Gothenburg, Uppsala University (Sweden), Москва давлат юридик академияси (Россия), Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва университети, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида олиб борилмоқда.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ғайриқонуний тадбиркорликка қарши курашишнинг самарали жиноят-ҳуқуқий воситалари таклиф этилган (Stanford University, Uppsala University, European Institute for Crime Prevention and Control, International Institute of Social Studies); хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга криминологик тавсиф берилган (New York

---

<sup>1</sup> Қаранг: [www.nyu.edu](http://www.nyu.edu), [www.rutgers.edu](http://www.rutgers.edu), [www.stanford.edu](http://www.stanford.edu), <http://umn.edu>, [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.columbia.edu](http://www.columbia.edu), [www.unsw.edu.au](http://www.unsw.edu.au), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [cam.ac.uk](http://cam.ac.uk), [uni-leipzig.de](http://uni-leipzig.de), <http://www.iss.nl>, <http://www.heuni.fi>, [www.u-paris2.fr](http://www.u-paris2.fr), [www.gu.se](http://www.gu.se), [uu.se](http://uu.se), [msal.ru](http://msal.ru), <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz> ва бошқа манбалар.

University, Columbia University, University of Oxford); истеъмолчилар ва қонуний асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг манфаатларини жинойт-ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш орқали ишончли кафолатлаш асосланган (University of Gothenburg, University of California, University of Minnesota, University of New South Wales, Université Panthéon-Assas, Universität Leipzig); тадбиркорлик фаолияти соҳасида ортиқча чекловларнинг қўйилганлиги, соғлом рақобат муҳитининг етарлича шаклланмаганлиги, хўжалик фаолияти устидан молиявий, солиқ ва жамоатчилик назоратининг самарали тизими яратилмаганлиги ушбу соҳадаги қилмишларнинг асосий сабаблари эканлиги аниқланган (Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва университети, Москва давлат юридик академияси); жинойт содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазоларни кенгрок қўллаш, жазони янада индивидуаллаштириш орқали тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жинойтлар учун жавобгарликни такомиллаштириш зарурати асосланган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси).

Дунёда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жинойтларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жинойтларнинг янги турлари учун жавобгарлик белгилаш; қонунларни ривожлантириш асосида жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш имконини кенгайтириш; жинойтни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш; тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жинойтлар туфайли етказилган зарарни ундиришнинг жинойт-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш; ушбу соҳадаги жинойтлар профилактикаси самарадорлигини ошириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хўжалик фаолияти соҳасидаги жинойтларнинг баъзи жиҳатлари Қ.Р.Абдурасулова, Р.А.Зуфаров, Б.Ибратов, И.Исмаилов, А.Т.Исоходжаев, Д.Каракетова, И.М.Мирзараимов, Ж.А.Неъматов, А.А.Ортиқов, М.Х.Рахмонқулов, М.Х.Рустамбоев, Н.С.Салаев, М.Собиров, Т.Таджиев, Ф.Тахиров, М.Усмоналиев, А.С.Якубов, Р.Қобулов, М.М.Қодиров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ушбу жинойтларнинг айрим жиҳатлари Л.С.Аистова, В.П.Верин, Б.В.Волженкин, А.И.Долгова, Ю.А.Ежов, А.Э.Жалинский, А.Н.Игнатова, Ю.А.Красиков, Н.Н.Кондрашков, С.Коровинских, А.Г.Корчаген, Ю.П.Кравец, В.В.Ларичев, В.М.Лебедева, Н.А.Лопашенко, В.Минская, С.С.Нестерова, А.И.Рарог, Ю.И.Скуратова, В.В.Толкачев, В.И.Тюнин, Т.Устинов, А.И.Фабричный, Е.А.Фролов, А.Н.Шабунина, А.В.Шестаков, И.В.Шишко, О.Ф.Шишова, А.В.Щербаков<sup>1</sup> каби россиялик олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилган.

Юқоридаги муаллифларнинг тадқиқотларида хўжалик фаолияти соҳасида содир этилган жинойтлар, уларнинг сабаблари ва имкон берган

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шарт-шароитлари, олдини олиш муаммолари умумий тарзда ўрганилган. Лекин корпоратив муносабатлар, умуман хўжалик фаолиятидаги тадбиркорлик муносабатлари мамлакатимиз учун янги бўлганлиги сабабли, ушбу соҳадаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари эътибордан четда қолган. Мазкур муаммога оид масалаларнинг кўп жиҳатлари, хусусан бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш масаласи ЖКга киритилган сўнги ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олиб етарлича тадқиқ этилмаган ва ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг «Жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари (1.3.6-банди) доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, мазкур жиноятлар профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тушунчасининг назарий жиҳатларини ёритиш;

хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш босқичларини ўрганиш;

хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиш;

чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

ноқонуний тадбиркорлик фаолиятининг жиноят-ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилиш, пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга нисбатан жиноят-ҳуқуқий ёндашувнинг асосларини қайта кўриш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш учун жавобгарликни таҳлил қилиш;



қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳамда рақобатчини обрўсизлантиришнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларини таҳлил қилиш, ушбу жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш хусусиятини ёритиш;

айрим хорижий мамлакатларда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга криминалогик тавсиф бериш ва сабабларини аниқлаш, жиноят содир этган шахснинг хусусиятларини ўрганиш;

хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг профилактикаси бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик масалаларига оид ижтимоий муносабатлардир.

**Тадқиқотнинг предмети** хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган, ушбу қилмишларнинг профилактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишларини ўрганиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш оқибатида эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган ҳолларни ушбу жиноятнинг оғирлаштирувчи таркибидан асосий таркибига ўтказиш орқали жавобгарликни либераллаштириш асосланган;

этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятининг баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига, одамлар ўлимига, бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлганлигини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қонунда белгилаш орқали жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш имконини кенгайтириш таклиф этилган;

ижтимоий хавфлилик даражасининг пастлиги, фуқаролик ва иқтисодий иш юритуви доирасига киритиш зарурати инобатга олиб, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ва рақобатчини обрўсизлантиришни декриминализация қилиш кераклиги асосланган;

қонунга хилоф равишда товар белгиларидан фойдаланишни тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг янги тури эканлиги аниқланиб, ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар натижасида келиб чиқадиган бошқа оғир оқибатларга айбдор томонидан икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, камида бир шахснинг ҳалок бўлиши ва бошқа шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, бошқа шахсларга ОИВ, ОИТС ва бошқа юқумли касалликлар юқишига, инсонларнинг оммавий заҳарланиши (касалланиши), шунингдек тадбиркорлик субъектларининг тугатилиши ёки банкрот бўлишига сабаб бўлиш ҳолатларини киритиш асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тадқиқот натижасида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар, қонунни қўллаш амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг сабаблари, жиноятчи шахси типлари ва ушбу жиноятларни профилактика қилишнинг устувор йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. ЖК 186, 186<sup>3</sup>-моддаларида назарда тутилган «бошқа оғир оқибатлар» тушунчаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида тушунтириш бериш таклиф этилган.

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Мазкур тадқиқот доирасида фойдаланилган статистика материаллари ва ўтказилган анкета-сўровлари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. 2010–2018 йилларда республикада судларида кўрилган 500 та жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга оид амалиёти юзасидан умумлаштириш материаллари таҳлил қилинганлиги; тадқиқ этилган жиноятларнинг квалификацияси, улар учун жазо тайинлашга оид 100 дан ортиқ олимлар ва амалиёт ходимлари, 120 нафар жиноят содир этганлар, 100 нафар тадбиркорлар орасида ўтказилган сўровлар олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлайди.

Диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти ҳозирги кунда қонунчилик, суд-тергов амалиёти ҳамда жиноят ҳуқуқи назариясидаги мавжуд концептуал муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг ечимини топиш зарурати мавжудлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган

нормалар ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш ва криминология фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий-тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, суд-тергов амалиётида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг мазмуни тўғри ва бир хилда қўлланилишига, шунингдек, ушбу жиноятларга қарши курашиш субъектларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатлари ва чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, мазкур жиноят профилактикасининг самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 13<sup>1</sup>-бобининг нормаларини такомиллаштиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 06/1-02/548вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали самарали муҳофаза қилинишига хизмат қилган;

ноқонуний тадбиркорлик фаолияти жинояти учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 188-моддасининг нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 06/1-02/548вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ноқонуний тадбиркорлик фаолияти учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга ҳисса қўшган;

савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жинояти учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 189-моддасининг нормаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 06/1-02/548вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилган;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифини аниқлаштиришга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги

2013 йил 13 декабрдаги 20-сон қарорининг 7, 9, 10, 13-бандларининг қоидаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2015 йил 23 февралдаги 11-15-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни тўғри ва бир хилда қўлланилишига ҳисса қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 23 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 20 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 17 та илмий мақола (6 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **«Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликнинг умумий тавсифи»** деб номланган биринчи боби биринчи параграфи *«Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тушунчаси ва уларнинг хусусиятлари»*га бағишланган бўлиб, унда мазкур жиноят тушунчаси ва белгилари ёритилган. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган, товарлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш, ишларни бажариш ёки истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларга тажовуз қиладиган, субъектлар томонидан айбли тарзда содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси эканлиги асосланган.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар Ўзбекистон Республикасида мавжуд хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишлардир.

Муаллиф мазкур параграфда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг куйидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаган:

а) товарлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш, ишларни бажариш ёки истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқликда;

б) ушбу жиноят субъектларининг ўзига хос белгиларга эга эканлиги;

в) мазкур қилмишлар қонуний ёки қонуний хусусият касб этган фаолият билан шуғулланиш жараёнида содир этилади.

Диссертант бугунги кунда энг асосий муаммолардан бири – хўжалик фаолияти ва тадбиркорлик фаолияти тушунчалари ўртасидаги нисбатни аниқлаш эканлигини таъкидлаб, олиб борилган тадқиқотларда ҳам хўжалик фаолияти ва тадбиркорлик фаолиятини аниқ фарқловчи белгилар масаласи ҳамон баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётганлигини кўрсатган. Тадбиркорлик соҳасидаги фаолият аксарият мустақил бўлиб, тадбиркорнинг ўз хоҳиш-истагига асосланади. Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўз таваккалчилиги ва мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Жиноят кодекси 13-бобининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номланиши жиноят қонунчилигида тадбиркорлик фаолиятининг, ушбу соҳада қонуний фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари жиноят-ҳуқуқий муҳофаза остида эканлигини аниқ ифода этади ва қонуний тадбиркорлик фаолиятининг жиноят-ҳуқуқий кафолати сифатида хизмат қилади. Иқтисодий ривожланган давлатлар: АҚШ, Англия, Германия, Франция, Италия, Скандинавия мамлакатлари, Жанубий Корея, Сингапур ва МДХга аъзо давлатларнинг аксариятида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган ва уларда мазкур турдаги жиноятлар бўйича «хўжалик» атамаси қўлланилмайди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 13-бобининг номи ҳам бироз мунозарали. Сабаби, «Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номланган мазкур бобдан ўрин олган 10 та жиноят таркиби ҳам бевосита тадбиркорлик фаолиятида ёки бошқача айтганда, тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари томонидан ёхуд тадбиркорлар манфаатига зид равишда содир этиладиган қилмишлар туркумига киради. Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-бобининг номланиши «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номлаш ҳақида тақлиф берилган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «*Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиши*»га бағишланган бўлиб, унда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тизимининг шаклланиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий функциялари такомиллашиб бориши билан боғлиқ эканлиги дастлаб давлат пайдо бўлгач, вақт ўтиши билан жамиятдаги кенг маънодаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларни янада фаолроқ тартибга солиш ёки бошқача

айтганда, турли номақбул (ноқонуний) қилмишлардан муҳофаза қилиш зарурияти пайдо бўлганлиги билан изоҳланади.

Энг қадимги ҳуқуқий манбалардан Авестода жиноят ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинган. Унда мулкка қарши жиноятлар ҳақида сўз юритилган, бироқ, айнан «хўжалик соҳасидаги жиноятлар» ҳақида сўз юритилмаган бўлсада, унинг у ёки бу нормаларида ўрганилаётган жиноятларнинг баъзилари учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шариат нормаларида, яъни ислом ҳуқуқида жинойий қилмишлар ҳам, бошқа тақиқланган, қораланадиган ва номақбул амаллар ҳам «Аллоҳ чегаралари»ни бузиш деб баҳоланган. Ал-Мавардийнинг фикрига кўра, расмий юридик маънодаги ҳуқуқбузарлик деганда, Аллоҳ тақиқлаган ва жазолайдиган қилмишнинг содир этилиши тушунилади.

Юртимизда хўжалик муносабатлари вужудга келишининг тарихий илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади, ўлкамиздан Буюк ипак йўли ўтган ва савдогарлик, олди-сотди гуркираб ривожланган. Иқтисодиёт назариясида тадбиркорлик дастлаб айнан савдогарлик шаклида вужудга келган, деган қараш ҳам мавжуд. Албатта, у пайтдаги фаолиятни ҳозирги тадбиркорлик фаолияти билан айнан бир хил, деб бўлмайти, чунки орада жуда кўп вақт давр ўтди, ҳаёт тарзи ўзгарди. Ислом динида ҳам тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилиб, меҳнат қилинмай топилган даромад ҳаром ҳисобланади. Шунинг ўзи ҳам инсонлар ҳалол меҳнат қилиш ва ҳалол даромад топишга ундаганлигининг яна бир исботидир. Бу бўйича кўплаб ҳадислар ҳам мавжуд, жумладан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бозорларда айланиб юрганларида хурмо сотиб ўтирган бир одамни кўрдилар. Қарасалар, яхшиларини устига териб, ёмонларини ичига тиқиб сотаяпти. Шунда у «ёмонини яшириб, одамларнинг кўзини бўяб савдо-сотик қиладиган тижорат аҳли менинг умматим эмас», дедилар. Бу нарса тарозига ҳам тегишли. Шариатга мувофиқ бозорда молнинг сифати бўйича ва тарозидан уриш масаласи ҳам оғир гуноҳ эканлиги белгиланган.

Савдо-сотик муносабатлари ислом динида ниҳоятда муфассал равишда тартибга солинган. Масалан, «Савдо-сотик» китобининг 19-боби «Харидор ва сотувчи яширмасдан (молнинг айбини) баён қилиб бир-бирларига насиҳат қилишса, уларнинг бу савдоларига барака берилиши ҳақида», 21-боби «Гўшт сотувчи ва қассоб ҳақида», 22-боби «Савдода ёлғон ва (айбни) яшириш нимани барбод қилиши ҳақида», 27-боби «Савдода қасамнинг макруҳлиги ҳақида», 48-боби «Савдода алдовнинг макруҳлиги ҳақида», 54-боби «Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва олиб сотарлик ҳақида», 73-боби «Тижоратда (ноҳақ) шартлар кўйиш ҳалол эмаслиги ҳақида», 112-боби «Ҳаром ўлган ҳайвон гўштини сотиш ҳақида» қатор муҳим қоидалар ўз аксини топган. Юқорида кўрсатилган қоидалар бузилган тақдирда айбдорлар шариат нормалари асосида жазога тортилганлар.

Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилги ЖК «Хўжалик жиноятлари» деб номланган 5-бобининг 179-183-моддаларида алкоғолли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик учун жинойий жавобгарликни

назарда тутилган. Жумладан, ЎзССР ЖК 179-моддасида таркибида 1,5 градусдан ошиқ спирт мавжуд бўлган алкоғолли маҳсулотни махсус патентга эга бўлмай туриб ишлаб чиқарганлик учун, ЎзССР ЖК 180-моддасида тегишли рухсатномага эга бўлмай туриб ёки қонунда белгиланган даражадан юқори равишда, вино, ароқ ва умуман спиртли ичимликлар ва таркибида спирт мавжуд бўлган маҳсулотлар (лак, пардоз лаки)ни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, бундай маҳсулотларни ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаганлик учун, ЎзССР ЖК 181-моддасида шахсий наф кўриш, сақлаш ёки ўтказиш мақсадида самогон ишлаб чиқариш билан шуғулланганлик учун, ЎзССР ЖК 182-моддасида эса, ўзининг ёки ўз оиласининг минимал эҳтиёжларини қондириш учун, зарурат, ишсизлик юзасидан ўтказиш мақсадида самогон тайёрлаш ёки сақлаганлик учун, 183-моддада эса, самогон ишлаб чиқарадиган махсус мосламаларни ясаш, сақлаш, таъмирлаш ёки ўтказиш билан шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган эди.

1959 йилги ЎзССР ЖКда ҳам алкоғоль маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятлар криминализация қилинди. Хусусан, ушбу жиноят қонунида ўткир спиртли хонаки ичимликларни тайёрлаганлик, сотганлик ва сақлаганлик (181-модда) ҳамда спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганлик (181<sup>1</sup>-модда) учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Спиртли хонаки ичимликларни тайёрлаганлик, сотганлик ва сақлаганлик (ЎзССР ЖК 181-моддаси) объектив томондан сотиш мақсадини кўзламасдан самогон, чача, ароқ, тут арағи, брага ёки бошқа хил хонаки ўткир спиртли ичимликларни тайёрлаганлик ёки сақлаганлик, сотиш мақсадини кўзламасдан уларни ишлаб чиқарувчи аппаратларни тайёрлаганлик ёки сақлаганлик маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил ичида такрор содир этиш (1-қисм), шундай ҳаракатларни сотиш мақсадида содир этиш (3-қисм) учун жавобгарлик назарда тутилган эди.

Мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланган модда тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда жиноятнинг оддий таркиби (1-қисм); судланган шахс томонидан амалга оширилиши (2-қисм); сотиш мақсадини кўзлаб содир этилиши (3-қисм); ва такроран содир этилиши (4-қисм) учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Маъмурий буйруқбозлик тизимида асосланган собиқ иттифоқ даврида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бўлиб, барча соҳада давлат монополияси ўрнатилган ва бу ўз навбатида ташаббускорлик, ишбилармонлик ривожига жиддий тўсиқ эди. Жумладан, Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги ЖК тўққизинчи боби «Хўжалик жиноятлари» деб аталиб, ундаги жиноятлар 4 қисмга ажратилган бўлиб, улардан 3 таси ҳозирги кундаги хўжалик жиноятларига яқинроқ эди. Булар:

1) умумий хўжалик жиноятлари: маҳсулот етказиш юзасидан план ва топшириқларни систематик равишда бажармаслик (171-модда); сифатсиз, стандартсиз ёки комплектсиз маҳсулотлар чиқариш (172-модда); ташқи савдо

монополияси қоидаларини бузиш (173-модда); ёлғон кооперация тузиш ва хусусий соҳибкорлик билан шуғулланиш (174-модда);

2) совет савдоси соҳасидаги жиноятлар: спекуляция (175-модда); чорва ва парранда боқиш учун нон ва бошқа ғалла маҳсулотлари сотиб олиш (175<sup>1</sup>-модда); валюта ва қимматли қоғозларни оз миқдорда сотиб олиш, сотиш ва айирбошлаш (175<sup>2</sup>-модда); савдо ишларида воситачилик (даллоллик) қилиш (176-модда); харидор ва заказчиларни алдаш (177-модда); сифатсиз, стандартсиз ва комплектсиз молларни сотувга чиқариш (178-модда);

3) тақиқланган хўжалик ишлари билан шуғулланиш жиноятлари: тақиқланган касб билан шуғулланиш (179-модда); юк ва пассажирларни қонунга хилоф равишда ташиш (180-модда); автотранспортдан ғараз мақсадларда фойдаланиш (180<sup>1</sup>-модда); ўткир спиртли хонаки ичимликларни тайёрлаш, сотиш ва сақлаш (181-модда); спиртли ичимликларни сотиш қоидаларини бузиш (181<sup>1</sup>-модда);

4) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши соҳасидаги жиноятлар: экинларни пайҳон қилиш; ғайриқонуний равишда дарахт кесиш; пахтани нобуд қилиш; ғайриқонуний ов қилиш; ов қилинган мўйнали ҳайвонлар териларини топшириш қоидаларини бузиш; балиқ ови билан ёки сувда ов қилинадиган бошқа касблар билан ғайриқонуний шуғулланиш; сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш; ирригация иншоотларига қасддан зарар етказиш; экин зараркунандалари ва касалликлари билан кураш қоидаларини бузиш; захарли дориворларни ишлатиш қоидаларини бузиш; ветеринария қоидаларини бузиш; балиқ запасларини кўриқлаш тўғрисидаги қоидаларни бузиш; қурилиш ишлари қоидасини бузиш, ерни национализация қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш; бинокорлик материалларини ғайриқонуний йўсинда сотиб олиш; иморатларнинг неча қават бўлиши, хоналарнинг сони, турар жой майдони нормаларини бузиш кабилардан ташкил топган эди.

Бозор иқтисодиёти тизимига асосланган эркин рақобат тизимига ўтилиши муносабати билан тамоман янги ижтимоий муносабатлар шаклланди. 1994 йили янги ЖК қабул қилиниши муносабати билан юқоридаги қилмишларнинг баъзилари ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотди ва ЖКдан декриминализация қилинди.

Диссертант ушбу параграфда юртимизда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар ва улар учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратишни таклиф қилган:

1) қадимги даврдаги хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноий қилмишлар примитив бўлиб, жиноий жавобгарлик масаласи Авестога биноан белгиланган);

2) ўрта асрлардаги хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноий мотив такомиллашиб борган, жиноий жавобгарлик масаласи мусулмон ҳуқуқига асосан ҳал қилинган);



3) XVIII – XIX асрларда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар бўйича хонликлар, амирликларда илк қонунлар қабул қилина бошланган;

4) Ўзбекистон ССРда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноят қонунида тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиловчи норма мустаҳкамланган);

5) ҳозирги давр хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноий қилмиш сифатида бундай жиноятлар кун сайин янги шакл-шамойил касб этиб бораётганлиги ҳамда 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси ЖКда шундай ном билан аталувчи боб киритилганлиги билан тавсифланади).

Муаллиф хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар юқоридаги даврлаштиришнинг ҳар бир босқичида алоҳида хусусият касб этган ва содир этилиш мотиви ҳамда мезонларига нисбатан ўзгариб борган, деган хулосага келган.

Диссертация ишининг **«Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий муаммолари»** деб номланган иккинчи боби ўн параграфдан иборат бўлиб, унда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш; этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш; ноқонуний тадбиркорлик фаолияти; пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият; савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш; фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш; қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш; рақобатчини обрўсизлантириш юридик таҳлил қилинган.

Мазкур бобда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг умумий, махсус, турдош объектлари ҳамда ҳар бир жиноятнинг бевосита асосий ва бевосита қўшимча объектлари аниқланган.

Муаллифнинг фикрича, хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг умумий объекти жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. Махсус объекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, турдош объекти хўжалик фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

ЖК 186-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти Ўзбекистон Республикасининг қонунларида аниқ белгилаб қўйилган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, ўтказиш, шунингдек, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 186<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти қонун билан қўриқланадиган аниқ ижтимоий муносабатлар тури бўлиб, у

этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 186<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти чигитдан олинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишнинг қонунда белгиланган тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 186<sup>3</sup>-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати устидан назорат қилишнинг қонун билан ўрнатилган тартиби, хўжалик фаолияти соҳасида истеъмолчиларнинг манфаатлари, улар томонидан сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг хавфсизлигини, шунингдек кўрсатилган товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотини сохталаштиришдан муҳофаза қилишни, қўшимча бевосита объекти фуқароларнинг ҳаётини ва соғлигини таъминлайдиган муносабатлардир;

ЖК 188-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 188<sup>1</sup>-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти тижорат ва молиявий тадбиркорлик фаолияти билан қонуний шуғулланувчи юридик шахслар, шу жумладан банк муассасаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 189-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти савдо ёки хизмат кўрсатишнинг қонунда белгиланган тартиби, фуқаро манфаатлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналарининг меъёрий фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 190-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олиб шуғулланишнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 191-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти сир тутиладиган ахборотни муҳофаза қилиш йўли билан тадбиркорлар ўртасида нормал рақобат курашини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 192-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мўтадил ва эркин рақобатни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги, шу орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонун билан белгиланган тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг предмети:

сифатсиз ва давлат стандартларига мос келмайдиган турли хил товарлар (186-модда);

этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотлари (186<sup>1</sup>-модда);

чигитдан олинадиган маҳсулотлар (186<sup>2</sup>-модда);

сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлар (186<sup>3</sup>-модда);

сир тугиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа ахборотлар (191-модда) ҳисобланади.

3. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо, ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади.

4. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар субъектив томондан фақат қасддан содир этилади.

5. ЖКнинг 186-моддасида 2 та жиноят: формал таркибли – истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш билан жиноятнинг тугалланиши (ЖК 186-моддаси 1-қисми); моддий таркибли – қилмиш натижасида муайян оқибатлар (ўртача ёки оғир оқибат, одам ўлими кабилар) келиб чиқиши (ЖК 186-моддаси 2 ва 3-қисмлари) кўзда тутилган.

6. ЖК 186<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят чигитдан қонунга ҳилоф равишда махсус рухсатномага эга бўлмай туриб, маҳсулот олинган ёки шундай маҳсулот муомалага киритилган пайтдан эътиборан тамом бўлган ҳисобланади.

7. Тадқиқот доирасида ЖК 186<sup>3</sup>-моддасида қатор бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан: 1) дори воситаларини реализация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Қонунга кўра, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ҳамда сақлаш қоидалари бўйича амалга оширилади. Шунингдек, дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади. Демак, қонунда дори воситаларини ва тиббий буюмларни реализация қилиш бўйича талаблар белгиланган бўлса-да, ЖК нормаси фақат дори воситаларини реализациясига бағишланган. Қолаверса, қонунда дори воситаларини ва тиббий буюмларни реализация қилишнинг улгуржи ва чакана турлари, уларнинг субъектлари бўйича қоидалар назарга тутилган бўлса-да, ЖК тегишли нормасида бунга эътибор қаратилмаган. 2) Қонунга кўра, дорихона дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни, шунингдек уларни тайёрлашни амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ташкил этилиши мумкин. Дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари ҳам дорихоналар жумласига киради. Демак, қонунда дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-

профилактика муассасаларининг дорихоналари ҳам дорихона жумласига кириши белгиланган бўлса-да, ЖК нормасида дорихона ва унинг филиаллари назарда тутилган. Даволаш муассасаларининг дорихоналарида юқоридаги маҳсулотларни реализация қилганлик учун айбдорни жиноий жавобгар қилишда муаммолар юзага келади.

Юқоридагиларга мувофиқ, ЖК 186<sup>3</sup>-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, яъни модданинг номи ва биринчи қисми диспозициясидаги «дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш» деган сўзларни «реализация қилиш қоидаларини бузиш» деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилди.

8. ЖК 188-моддасида тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олинганида жиноий жавобгарлик юзага келади. Бунда жиноят объектив томонининг зарурий белгиси жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олганлиги ҳисобланади.

9. Қуйидаги ҳолатларда ЖК 188<sup>1</sup>-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик юзага келади:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулки бўйича мажбуриятларни қабул қилиш йўли билан қонунга ҳилоф равишда жалб этишга доир фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари қабул қилинган мажбуриятларни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш;

2) жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни мулкий наф бериш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш йўли билан қонунга ҳилоф равишда жалб этишга доир фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари қабул қилинган мажбуриятларни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажаришга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш;

3) мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникациялар тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилиш.

10. ЖК 189-моддасида назарда тутилган жиноят товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши жуда кўп миқдорда зарар етказилиши билан тугалланган деб ҳисобланади.

11. ЖК 190-моддасида назарда тутилган фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш объектив томондан лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш кўп миқдорда даромад олиш мақсадида содир этилади.

12. ЖК 191-моддаси 1-қисми диспозициясида белгиланган ахборот ҳар қандай усулда тўпланган пайтдан бошлаб, жиноят тамом бўлган ва ушбу қилмиш формал таркибли ҳисобланади.

Сир тутиладиган ахборот эҳтиётсизлик оқибатида бошқаларга ошкор этилганида шахс ЖК 191-моддаси билан жавобгарликка тортилмайди.

13. Рақобатчини обрўсизлантириш, босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш орқали содир этилганда ЖК 192-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик юзага келади.

Ишда қуйидаги асосларга мувофиқ ЖК 192-моддасини чиқариш мақсадга мувофиқлиги исботланган:

*биринчидан*, мамлакатимизда рақобат муҳитини шакллантириш ва монополистик фаолиятга қарши курашишга доир ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солиноқда. Мазкур қонунда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, якка тартибдаги тадбиркорлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувлари учун, шунингдек товар ёки молия бозоридаги устун мавқеини суистеъмол қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини тугатиш ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик, танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади, яъни жиноий жавобгарликка тортилиш масаласи назарда тутилмаган;

*иккинчидан*, мазкур жиноят учун жавобгарликнинг статистик таҳлили ҳам ушбу қилмиш учун жавобгарлик бекор қилиниши либераллаштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2018 йилнинг 9 ойида ушбу модда билан фақат 1 та шахсга нисбатан жиноят иши кўрилган;

*учинчидан*, замонавий юриспруденция ушбу соҳадаги муносабатлар жиноят ҳуқуқи доирасида эмас, балки етказилган зарар миқдорига кўра, иқтисодий-ҳуқуқий ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида тартибга солинишининг мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Ш.Рўзиназаров қайд этганидек, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар тажрибасига кўра монополияга қарши орган судда даъво қўзғатишнинг ташаббускори бўлиб, бу ҳолат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат органининг ижро (фармойиш) бериш функциясидан келиб чиқиб аралашувга олиб келади. Бундай ишларда даъвогар ва жавобгар сифатида хўжалик

юритувчи субъектларнинг ўзлари иштирок этишлари мақсадга мувофиқ<sup>1</sup>. Бу борада шундай тартиб ўрнатилган АҚШ ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси диққатга сазовордир. Бундай қонунчилик амалиётига босқичма-босқич ўтиш келгусида ўз самарасини беради. Ҳозирги босқичда монополияга қарши ваколатли органнинг қайд этилган вазифаси ўтиш даври қонунчилиги, иқтисодиёти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига хос бўлган;

*тўртинчидан*, иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам ушбу қилмиш учун жиной жавобгарлик белгилаш зарурати мавжуд эмаслигини кўрсатди. Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида ушбу қилмиш учун жиной жавобгарлик белгиланмаган.

Тадқиқотнинг **«Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари, жазо тайинлаш ва айрим хорижий давлатлар тажрибаси»** деб номланган учинчи бобда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари, хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш муаммолари ҳамда айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масалалари тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг *«Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар»* деб номланган биринчи параграфида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жазони оғирлаштирувчи умумий ва махсус белгилари ўрганилган.

Диссертантнинг фикрича, ушбу жиноятларнинг жазони оғирлаштирувчи қуйидаги бешта умумий белгилари мавжуд:

- 1) кўп миқдор (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>, 191-м.);
- 2) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>, 191-моддалар);
- 3) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>-м.);
- 4) жуда кўп миқдор (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>, 190-м.);
- 5) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>-м.).

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жазони оғирлаштирувчи махсус белгилари деганда, ушбу гуруҳга мансуб жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг алоҳида таркиблари (моддаларида) назарда тутилган махсус белгилар мажмуи тушунилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-моддаси 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, жавобгарлик шу модданинг 2-қисмига мувофиқ ҳал қилинади.

---

<sup>1</sup> Рўзиназаров Ш. Рақобатни ҳуқуқий химоялаш хорижий давлатлар тажрибасида // [www.huquqburch.uz/uz/view/3579](http://www.huquqburch.uz/uz/view/3579) («Huquq va Burch» ижтимоий-ҳуқуқий журнали).

Ушбу бобнинг «*Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш муаммолари*» деб номланган иккинчи параграфда диссертант жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига оид маълумотларни таҳлил қилган. Хусусан, хўжалик фаолияти соҳасидаги қилмишлар умумий жиноятчиликнинг каттагина қисмини ташкил этмоқда. Жумладан, 2015 йилда жами жиноятларнинг 73447 - 2933 тасини (12,5%и), 2016 йилда 78249 - 2830 (11,3%и), 2017 йилда 72791 - 1527 (6,1%и), 2018 йилнинг 9 ойида 35223 - 798 (6,6%и)ни ташкил қилган бўлса, жами судланган шахсларнинг 2015 йилда 4255 та (12,1%), 2016 йилда 4095 та (10,9%), 2017 йилда 2337 та (6,5%), 2018 йил 9 ойида 1137 та (6,6%)ни ташкил этган.<sup>1</sup>

Муаллиф Республикамизнинг жиноят ишлари бўйича туман судлари томонидан ЖКнинг 186-192-моддалари бўйича 2010-2018 йилларда кўрилган 500 та жиноят иши ўрганиб чиқиб, жазо тайинлашга оид қуйидаги маълумотларни келтирган: жарима жазоси – 2010 йилда 24%, 2011 йилда 40%, 2012 йилда 44%, 2013 йилда 51%, 2014 йилда 60%, 2015 йилда 55%, 2016 йилда 52%, 2017 йилда 65%, 2018 йилнинг 1-ярмида 72% ҳолатда жарима жазоси қўлланилган. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2010 йилгача 27 %, 2011 йилда 20%, 2012 йилда 13%, 2013 йилда 9%, 2014 йилда 9%, 2015 йилда 16%, 2016 йилда 22%, 2017 йилда 12%, 2018 йилнинг 1-ярмида 5% жиноят ишлари бўйича тайинланган.

Ушбу бобнинг «*Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масалалари*» деб номланган учинчи параграфда диссертант хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган хорижий давлатлар ва миллий қонунчилигимиз билан қиёсий таҳлил қилган.

Диссертантнинг фикрича, хорижий мамлакатларда ушбу қилмишларнинг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига киритилганлигини ва ушбу мамлакатларнинг қонунларида Ўзбекистон ЖКдаги битта жиноят таркиби учрайди, яъни қонунга хилоф равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш аксарият хорижий давлатлар ЖКда «ноқонуний тадбиркорлик» деб аталади, Ўзбекистон Республикасида бу қилмиш учун иккита иккита модда (188 ва 190-м.)да жавобгарлик назарда тутилган, деган хулосага келган. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунидан фарқли ўлароқ ушбу қилмишлар хорижий давлатларда бир жиноят таркиби сифатида қонунга киритилган. Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик қилиш ва махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш Россия (ЖК 171-м.), Озарбайжон (ЖК 192-м.), Грузия (ЖК 192-м.), Белорусь Республикаси (ЖК 233-м.), Латвия (ЖК 207-м.), Эстония (ЖК 148-м.), Қозоғистон (ЖК 214-м.), Тожикистон (ЖК 259-м.) Жиноят кодексига ягона қилмиш сифатида белгиланган.

**«Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг криминологик тавсифи ва профилактикаси»** деб номланган тадқиқотнинг тўртинчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 14ноябрдаги 07/18-270-сонли хати.

бобида ўрганилаётган жиноятни содир этган шахсга криминологик тавсиф берилган, ушбу жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар, унинг олдини олиш масалалари таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг «*Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг криминологик тавсифи ва сабаблари*» деб номланган биринчи параграфида ўрганилаётган жиноятларга криминологик тавсиф берилган. Хусусан, хўжалик фаолияти соҳасидаги жами кўриб тамомланган жиноят ишлари билан солиштирганда судларда кўрилган 2015 йилда жами 73447 та ишнинг 2933 тасини (12,5%и), 2016 йилда жами 78249 та ишнинг 2830 тасини (11,3%и), 2017 йилда жами 72791 та ишнинг 1527 тасини (6,1%и), 2018 йил 9 ойида жами 35223 та ишнинг 798 тасини (6,6%и)ни ташкил қилган бўлса, шахсларнинг жами судланганлик ҳолати бўйича бу кўрсаткич 2015 йилда 4255 та (12,1%), 2016 йилда 4095 та (10,9%), 2017 йилда 2337 та (6,5%), 2018 йил 9 ойида 1137 та (6,6%)ни ташкил этган<sup>1</sup>. Юқоридаги маълумотлар мазкур қилмишларнинг динамикаси сезиларли даражада пасаймаётганлигини кўрсатмоқда. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг даражаси нисбатан пасайган бўлсада, лекин латентлиги юқорилигича қолмоқда. 2015-2017 йилларда ушбу жиноятлар тузилишида савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (33%), чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш (31%)нинг нисбатан кўп эканлиги, ЖК XIII бобида жавобгарлик белгиланган бошқа қилмишларнинг ҳиссаси камлиги аниқланган ва рақобатчини обрўсизлантириш (ЖК 192-м.)нинг ниҳоятда камлиги кузатилган.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларни аниқлаш асосида мазкур қилмишларнинг сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга хизмат қилади. Муаллиф ўрганилаётган жиноятларнинг сабабларини шартли равишда икки гуруҳга ажратган:

1) ташкилий-хўжалик фаолиятидаги сабаблар: давлатнинг иқтисодий ва солиқ сиёсатидаги камчиликлар, назорат тизимининг лозим даражада эмаслиги, қонун ижодкорлигининг хўжалик амалиёти эҳтиёжларидан орқада эканлиги;

2) ижтимоий-психологик сабаблар: ҳуқуқий сиёсат ва маданият соҳасидаги камчиликлар, тадбиркорлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг талаб даражасида эмаслиги, аҳолининг халқ хўжалигининг мураккаб вазифаларини янги иқтисодий мафкурага мувофиқ ҳал қилишга тайёр эмаслиги.

Республикамизнинг жиноят ишлари бўйича судларида кўрилган 500 дан ортиқ жиноят ишлари, бу борадаги тергов амалиётини, ўтказилган социологик сўров натижалари таҳлили асосида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг қуйидаги сабаблари аниқланган:

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 14 ноябрдаги 07/18-270-сонли хати.



1) тадбиркорлик фаолияти соҳасида турли ортикча чекловларнинг мавжудлиги, ўз навбатида яратилган имтиёзлар, енгилликлардан кўзланган мақсадда фойдаланмаслик, бу соҳадаги суиистеъмолликлар;

2) енгил бойлик орттириш мотиви;

3) аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлиги, тадбиркорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларидан етарли даражада ва ўз вақтида хабар топмаслиги;

4) соғлом рақобат муҳитининг шаклланмаганлиги;

5) жиноят қонунчилигидаги бўшлиқлар, қонун нормаларининг такомилга муҳтожлиги;

б) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун қонунда белгиланган жазо чоралари самарадорлигининг пастлиги;

7) мазкур жиноятларга қарши курашнинг комплекс ҳуқуқий базаси яратилмаганлиги;

8) хўжалик фаолияти устидан самарали молиявий, солиқ ва бошқа назоратнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги;

9) аҳолининг тўлиқ бандлиги таъминланмаганлиги.

*«Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни содир этган ва улардан жабрланган шахсларнинг тавсифи»* деб номланган иккинчи параграфда жиноятчи ва жиноятдан жабрланган шахснинг хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқот жараёнида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни содир этган шахслар икки гуруҳга ажратилган:

1) қадриятларга салбий муносабати, мўлжаллари, нуқтаи назарлари шаклланган, жинойи хулқ - атворни онгли равишда танлаган жиноятчилар. Ушбу тоифадаги шахслар учун жинойи ҳаракатларнинг асосий мотиви ҳаётда ўз шахсиятини намоён этишдир. Уларга ўзининг муҳимлигини тасдиқлаш, атрофдагиларга ўз ҳукмини ўтказиш ва уларни бошқаришга интилиш хосдир;

2) тадбиркорлар - одатда, улар юзага келган ҳаётий вазият таъсирида жиноятга қўл уради. Улар ривожланган мамлакатлардаги ўрта табақанинг моддий фаровонлик даражасига яқинлашишга ҳаракат қиладилар.

Хўжалик фаолияти соҳасида жиноят содир этган жиноятчи шахсининг таҳлили уларнинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини берган:

а) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар асосан эркаklar томонидан содир этилган, лекин аёллар улуши 16%ни ташкил этган;

б) жиноятларни содир этганларнинг энг катта қисми 38,5%и 41-50 ёшлилар; 32,7%и 31-40 ёшлилардир;

в) мазкур тоифадаги жиноятчиларнинг маълумоти даражаси юқорилигидир;

г) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг аксарияти бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, унга нисбатан уюшган дейиш учун асос бўлади.

Жиноят ишларининг таҳлили асосида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлардан жабрланганлар қуйидаги типларга ажратилган:

1) агрессив-фаол тип – жабрланувчининг мазкур типи даромад олиш учун қонунга зидлиги аён бўлган ўз фаолиятининг оқибатлари ва натижалари ҳақида ўйламасдан, фаолияти ғайриқонуний эканлигини била туриб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга фаол киришади. Айнан ушбу типга мансуб тадбиркорлар вазиятга боғлиқ бўлган ҳолда ёки ҳуқуқий саводсизлиги туфайли жиноятдан жабрланади;

2) пассив-нейтрал тип – ўзининг тажрибасизлиги туфайли вазиятга тўғри баҳо бера олмайдиган, ўз шахсий хусусиятларига кўра ишонувчан ва ўзгалар таъсирига берилувчан жабрланувчи-тадбиркорларга хос. Бундай типлар учун атрофдагиларнинг улар ҳақидаги фикрлари муҳим ҳисобланади. Улар камдан-кам (кўпинча билмасдан) қонунни бузадилар (масалан, улар мулкий зарар кўришига қарамай тадбиркорлик фаолиятини қонунга мувофиқ амалга оширадилар ва мазкур фаолиятнинг бошқа иштирокчиларидан ҳам шуни кутадилар);

3) аралаш тип – жиноятлардан жабрланган тадбиркорлар орасида анча кўп учрайди ва юқоридаги ҳар икки типга хос хусусиятларни ўз хулқ-атворида намоён қилади.

Ушбу бобнинг «*Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг профилактикаси*»га бағишланган учинчи параграфиди тадқиқ этилаётган жиноятларни олдини олишнинг умумий, махсус ва яқка тартибдаги чоралари таҳлил қилиниб, хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф тадқиқ этилаётган жиноятларни олдини олишнинг умумий чоралари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорларида белгиланган тадбиркорликни амалга ошириш тартиби, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, ғайриқонуний аралашиш учун жавобгарликни кучайтириш ва ҳ.к. белгиланганлигини асослаган.

2017 йилда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига келиб тушган 14127 та мурожаатларнинг аксариятида савдо, соғлиқни сақлаш соҳасидаги истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилганлиги кўрсатилган, 2018 йилнинг 6 ойида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига қилинган 7421 та мурожаатларда кўпроқ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сўралган.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни олдини олишнинг махсус чораларига бундай фаолиятни амалга ошириш қонунда зиммасига юклатилган органлар ва идораларнинг, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқ этилаётган жиноий қилмишларнинг якка тартибдаги олдини олиш чораларини кучайтириш орқали уларнинг барвақт олдини олишда адлия органларининг ҳуқуқий тарғибот, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида тадбиркорларга етказилиши, уларнинг моҳиятини тушунтириши бўйича фаолиятини ўрганиш асосида мазкур фаолиятни такомиллаштиришга оид таклифлар асослантирилган.

Диссертант хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг барвақт профилактикасида қуйидаги жиҳатларни асослаган:

1) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг сабабларини тўлиқ аниқлаш ва таҳлил қилиш асосида уларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш;

2) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни содир этган ёки хулқ-атвори бундай жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни жавобгарликка тортиш ва хулқини тузатишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

3) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар туфайли етказилган зарарни қоплашни таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозимлиги.

Тадқиқотчи юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга кўмаклашиши, иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг самарадорлиги ошиши, тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини исботлаган.

## ХУЛОСА

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, мазкур жиноят профилактикасининг самарадорлигини оширишга бағишланган диссертация тадқиқоти натижасида илмий-назарий хулосалар, тегишли қонунларнинг нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантиришга оид тавсиялар:**

1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар - жиноят қонуни билан кўриқланадиган, тадбиркорлик билан шуғулланишнинг қонуний тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қиладиган, айбли ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси.

2. Мамлакатимиз ҳудудида хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиши:

1) қадимги даврдаги хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноий қилмишлар примитив бўлиб, улар учун жиноий жавобгарлик Авестода белгиланган);

2) ўрта асрлардаги хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноий мотив такомиллашиб борган, жиноий жавобгарлик мусулмон ҳуқуқига асосан ҳал қилинган);

3) XVIII–XIX асрларда хонликлар, амирликда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга оид илк қонунлар қабул қилина бошланган;

4) Ўзбекистон ССРда хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноят қонунда жавобгарлик белгиланган);

5) ҳозирги даврдаги хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (жиноий қилмиш сифатида бундай жиноятлар кун сайин янги шакл-шамойил касб этиб бораётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКга шундай ном билан аталувчи боб киритилганлиги билан тавсифланади) босқичларига ажратилган.

3. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг умумий объекти жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. Махсус объекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, турдош объекти хўжалик фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 186-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти – Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, ўтказиш, шунингдек, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

ЖК 186<sup>1</sup>-моддасида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг бевосита объекти этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги қонунда белгиланган тартибни таъминловчи ижтимоий муносабатлардир;

ЖК 186<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти – чигитдан олинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишнинг қонунда белгиланган тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар;

ЖК 186<sup>3</sup>-моддасида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг бевосита объекти – дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати устидан назорат қилишнинг қонунда ўрнатилган тартиби, хўжалик фаолияти соҳасида истеъмолчиларнинг манфаатлари, улар томонидан сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг хавфсизлигини, кўрсатилган товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотини сохталаштиришдан муҳофаза қилишни, қўшимча бевосита объекти фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи муносабатлар;

ЖК 188-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти – қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар;

ЖК 188<sup>1</sup>-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти – тижорат ва молиявий тадбиркорлик фаолияти билан қонуний шуғулланувчи юридик шахслар, шу жумладан банк муассасаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

ЖК 189-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти – савдо ёки хизмат кўрсатишнинг қонунда белгиланган тартиби, фуқаро манфаатлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо корхоналари, умумий овқатланиш

корхоналарининг қонуний фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

ЖК 190-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти – лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олиб шуғулланишнинг қонуний тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

ЖК 191-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти – сир тутиладиган ахборотни муҳофаза қилиш орқали тадбиркорлар ўртасида нормал рақобатни таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

ЖК 192-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мўътадил ва эркин рақобатни шакллантириш ва ривожлантириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонунда белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

4. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг предмети:

сифатсиз ва давлат стандартларига мос келмайдиган турли хил товарлар (186-модда);

этил спирти, алкоғолли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотлари (186<sup>1</sup>-модда);

чигитдан олинадиган маҳсулотлар (186<sup>2</sup>-модда);

сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлар (186<sup>3</sup>-модда);

сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотлар (191-модда) ҳисобланади.

5. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо, ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади.

6. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар субъектив томондан фақат қасддан содир этилади.

7. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари қуйидаги бешта умумий белгиларига ажратилган: кўп миқдор (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>, 191-м.); бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>, 191-моддалар); такроран ёки хавфли рецидивист томонидан (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>-м.); жуда кўп миқдор (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>, 190-м.); уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши (ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>, 186<sup>3</sup>, 188<sup>1</sup>-м.);

8. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи махсус белгиларига: баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши (Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-м.); хизмат лавозимини ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилиши (Ўзбекистон Республикаси ЖК 186<sup>1</sup>, 186<sup>2</sup>-м.) киради.

**Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган аксарият хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларида «хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» ибораси қўлланилмаслигини, бу тоифадаги жиноятлар «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номлангани

боис, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг «Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номланган 13-бобининг номланиши «Гадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган.

2. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликка тортиш, айбдорларга жазо тайинлашда қонун ҳужжатларидаги коллизиялар, бўшлиқлар, қонунни қўллаш амалиётидаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш мақсадида амалдаги Ўзбекистон Республикасининг ЖКга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати асосланган:

1) ЖК 186-моддаси (хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш)га «истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш эҳтиётсизлик оқибатида баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса» деган таклифни киритиш асосланган. Амалдаги қонун нормаси формал таркибли эканлиги боис оқибат рўй бермаган бўлсада, жинойий жавобгарлик учун асос ҳисобланади. Оқибатнинг рўй берганлиги қилмишни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш учун асос бўлади. Шуларни инобатга олиб, ЖК 186-моддасининг биринчи қисмига «эҳтиётсизлик оқибатида баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса» деган сўзларни киритиш ва уларни иккинчи қисмдан чиқариш мақсадга мувофиқ;

2) ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси (этил спирти, алкоғолли ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш)нинг биринчи қисмига «этил спирти, алкоғолли ёки тамаки маҳсулотларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, анча миқдорда содир этилган бўлса» ва оғирлаштирувчи қисмлар сифатида «баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса; одам ўлишига сабаб бўлса; одамлар ўлимига; бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса» деган таклифи асосланган. Амалдаги қонун нормасига мувофиқ шахсга биринчи марта анча миқдорда ёки маъмурий жазо қўлланилгандан кейин иккинчи марта шу ҳаракатни содир этган бўлса жинойий жавобгарлик келиб чиқади. Шунингдек ушбу моддага зарурий белги сифатида «ўтказиш мақсадини кўзлаб» сўзларининг киритилиши лозим, чунки агар айбдорда бундай ният бўлмаган бўлса, қилмиш ушбу модда билан квалификация қилинмаслиги керак;

3) ЖК 186<sup>2</sup>-моддаси (чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш)га «чигитдан олинадиган маҳсулотни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса» ва оғирлаштирувчи қисмлар сифатида «баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;

одам ўлишига сабаб бўлса; одамлар ўлимига; бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса» деган таклиф берилган; шунингдек ушбу моддага зарурий белги сифатида «ўтказиш мақсадини кўзлаб» деган сўзлар киритилиши зарурлиги асосланган;

4) ЖК 189-моддаси (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) ва ЖК 192-моддаси (рақобатчини обрўсизлантириш)ни ЖКдан чиқариш таклиф қилинган;

5) ЖКга янги 191<sup>1</sup>-модда, яъни «қонунга хилоф равишда товар белгиларидан фойдаланиш»ни киритиб, унда қонунга хилоф равишда ўзганинг товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан, фирма номидан, товар келиб чиқиш номларидан фойдаланиш, шунингдек бир турдаги товарлар ёки хизматларда рақобатчининг товар белгилари фойдаланиш агар бу ҳаракатлар кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказганлик учун жавобгарлик белгиланиши зарур.

### **Суд-тергов амалиётини яхшилашга оид тавсиялар:**

1. ЖК 186, 186<sup>3</sup>-моддаларида назарда тутилган «бошқа оғир оқибатлар» бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қарорларида қуйидаги тушунтириш бериш мақсадга мувофиқлиги асосланган:

«Бошқа оғир оқибатлар деганда, айбдор томонидан икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, камида бир шахснинг ҳалок бўлиши ва бошқа шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, бошқа шахсларга ОИВ, ОИТС ва бошқа юқумли касалликлар юқишига, инсонларнинг оммавий заҳарланиши (касалланиши), шунингдек тадбиркорлик субъектларининг тугатилиши ёки банкрот бўлишига сабаб бўлиш каби ҳолатлар тушунилади. Бошқача оғир оқибатлар оқибатнинг оғирлигининг хусусиятига қараб суд томонидан баҳоланиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ушбу жиноятлар бўйича қабул қилган қарорларида бундай жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва жазо тайинлаш учун етарли тушунтириш ва кўрсатмалар берилмаган. Бу ҳолат, ўз навбатида, ушбу жиноятларни квалификация қилишда қатор амалий ва назарий муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабдан, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

3. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудлардаги бўлимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқий тарғибот, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида тадбиркорларга етказилишини таъминлаш ва уларнинг моҳиятини тушунтириш вазифаси юклатилиши лозим;

2) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан буклетлар тайёрлаш, ОАВ доимий равишда чиқишлар қилиш ва бошқа чораларни кўриш;

3) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашини ташкил этиб, тадбиркорлар ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш лозим.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 ПО ПРИСВОЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА  
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АБДУКАДИРОВ ШЕРЗОД ЁКУБЖОНОВИЧ**

**УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ  
ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

12.00.08 – Уголовное право, Предупреждение правонарушений.  
Криминология. Уголовно-исполнительное право

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ЮРИДИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.DSc/Yu16.

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) и Информационно-образовательном портале [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

**Научный консультант:** **Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Тахиров Фарход**  
доктор юридических наук, профессор

**Отажонов Абдоржон Анварович**  
доктор юридических наук, доцент

**Махкамов Отабек Мухтарович**  
доктор юридических наук

**Ведущая организация:** **Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан**

Защита докторской диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. Yu.25.01 по присвоению ученых степеней при Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан «26» декабря 2018 года в 10.00 часов (Адрес: 100197, г. Ташкент, улица Интизар, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства внутренних дел (зарегистрирована за № \_\_\_\_). (Адрес: 100197, г. Ташкент, улица Интизор, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан «12» декабря 2018 года.  
(Протокол от «12» декабря 2018 года реестровый № 1 ).

**У.Х. Мухамедов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

**И.Ю. Фазилов**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

**А.Г. Закирова**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире придается особое значение обеспечению неприкосновенности частной собственности и развитию предпринимательства. Предпринимательство на международном уровне считается одной из стремительно и широко развивающихся сфер. В обеспечении стабильности экономики развитых государств малый и средний бизнес приобретает важное значение. Так, в 2010–2017 годах доля малого и среднего предпринимательства в ВВП США составило 50–52%, Европейском Союзе – 65-68%, Германии – 55–57 %, Италии – 58-60%, Франции – 55-57%, России – 23-25%, Китае – 58–60%<sup>1</sup>. Наряду с позитивными аспектами, повышается необходимость последовательного продолжения тщательно выверенных движений по обеспечению законности в сфере хозяйственной деятельности и предпринимательства, дальнейшему совершенствованию организационно-правовых механизмов предупреждения правонарушений и преступности.

Нахождение научных решений проблем, связанных с уголовно-правовыми нормами касательно расширения возможностей дифференциации ответственности и индивидуализации наказания за преступления в сфере хозяйственной деятельности, более широким применением в отношении лиц, совершивших преступления наказаний, альтернативных лишению свободы, смягчением наказания для лиц, сотрудничавших в раскрытии преступлений, и практикой их применения. Также в теории криминологии важное значение имеет исследование перспектив создания действенной системы раннего предупреждения преступлений в сфере хозяйственной деятельности, внедрения в сознание граждан отношения нетерпимости к незаконным формам предпринимательской деятельности, совершенствования системы устранения причин и условий совершения преступлений в сфере хозяйственной деятельности.

В нашей стране особое внимание обращается на либерализацию экономики, внедрение рыночных и принципов управления, развитие частной собственности и предпринимательства, а также создана нормативно-правовая база развития сферы хозяйственной деятельности, поддержки предпринимательства. Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев подчеркивает, что «Воспрепятствование развитию предпринимательства – оценивается как воспрепятствование политике государства, политике Президента», «следует не вызывать предпринимателя повесткой для того, чтобы его наказывать, но и оказывать ему практическую помощь, защищать его права и интересы»<sup>2</sup>. Анализ показывает потребность повышения в нашей

---

<sup>1</sup> Захарова Н.В., Лабудин А.В. Малое и среднее предпринимательство в европейских странах: основные тенденции развития. // Управленческое консультирование. – № 12. – 2017. – С. 67.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимиз биздан қонун ва адолат устуворлигини амалда таъминлашни кутмоқда. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 206.

стране эффективности борьбы с преступлениями в данной сфере, а также разработки современных организационно-правовых механизмов выявления, устранения их причин и условий.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит исполнению норм Уголовного кодекса Республики Узбекистан (1994), Законов «О защите прав потребителей» (1996), «О лицензировании отдельных видов деятельности» (2000), «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» (2012), «О конкуренции» (2012), Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП–4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах», Постановления от 14 мая 2018 года №ПП–3273 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства», а также реализации иных нормативно-правовых актов, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологий в Республике Узбекистан.** Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Комментарий зарубежных научных исследований по теме диссертации**<sup>1</sup>. Научные исследования, направленные на повышение эффективности борьбы с преступлениями в сфере хозяйственной деятельности проводятся в таких ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях, как New York University, Rutgers University, Stanford University, University of Minnesota, University of California, Columbia University (USA), University of New South Wales (Australia), University of Oxford, University of Cambridge (England), Universität Leipzig (Germany), International Institute of Social Studies (Netherlands), European Institute for Crime Prevention and Control (Finland), Université Panthéon-Assas (France), University of Gothenburg, Uppsala University (Sweden), Московской государственной юридической академии (Россия), Московском университете МВД Российской Федерации, а также в Академии МВД Республики Узбекистан.

В результате проведенных в мире исследований по совершенствованию мер борьбы с преступлениями в сфере хозяйственной деятельности достигнут ряд результатов, в частности: усовершенствованы уголовно-правовые средства борьбы с незаконным предпринимательством. (Stanford University, Uppsala University, European Institute for Crime Prevention and

---

<sup>1</sup> См.: [www.nyu.edu](http://www.nyu.edu), [www.rutgers.edu](http://www.rutgers.edu), [www.stanford.edu](http://www.stanford.edu), <http://umn.edu>, [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.columbia.edu](http://www.columbia.edu), [www.unsw.edu.au](http://www.unsw.edu.au), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [cam.ac.uk](http://cam.ac.uk), [uni-leipzig.de](http://uni-leipzig.de), <http://www.iss.nl>, <http://www.heuni.fi>, [www.u-paris2.fr](http://www.u-paris2.fr), [www.gu.se](http://www.gu.se), [uu.se](http://uu.se), [msal.ru](http://msal.ru), <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz> ва бошқа манбалар.

Control, International Institute of Social Studies); дана криминологическая характеристика преступлений в сфере хозяйственной деятельности (New York University, Columbia University, University of Oxford); обоснована надежность гарантирования защиты интересов потребителей и лиц, на законной основе занимающихся предпринимательской деятельностью посредством совершенствования механизмов уголовно-правовой охраны (University of Gothenburg, University of California, University of Minnesota, University of New South Wales, Université Panthéon-Assas, Universität Leipzig); выявлены в качестве основных причин деяний в данной сфере установление излишних барьеров в сфере предпринимательства, недостаточная сформированность атмосферы здоровой конкуренции, несозданности эффективной системы финансового, налогового и общественного контроля за хозяйственной деятельностью (Московский университет МВД Российской Федерации, Московская государственная юридическая академия); обоснована необходимость более широкого применения в отношении лиц, совершивших преступления наказаний, альтернативных лишению свободы, совершенствования ответственности за преступления в сфере предпринимательской деятельности путем дальнейшей индивидуализации наказания (Академия МВД Республики Узбекистан).

В мире в целях совершенствования мер борьбы с преступлениями в сфере предпринимательской деятельности проводится ряд исследований по следующим приоритетным направлениям: определение ответственности за новые виды преступлений в сфере предпринимательской деятельности; на основе развития законов расширение возможностей дифференциации ответственности и индивидуализации наказания; смягчение наказания для лиц, активно сотрудничавших в раскрытии преступлений; совершенствование уголовно-правовых средств возмещения вреда, причиненного по причине преступлений в сфере предпринимательской деятельности; повышение эффективности профилактики преступлений в данной сфере.

**Степень изученности проблемы.** Некоторые аспекты преступлений в сфере хозяйственной деятельности были изучены К.Р.Абдурасуловой, Р.А.Зуфаровым, Б.Ибратовым, И.Исмаиловым, А.Т.Исоходжаевым, Д.Каракетовой, И.М.Мирзараимовым, Ж.А.Неъматовым, А.А.Ортиковым, М.Х.Рахмонкуловым, М.Х.Рустамбоевым, Н.С.Салаевым, М.Собировым, Т.Таджиевым, Ф.Тахировым, М.Усмоналиевым, А.С.Якубовым, Р.Кобуловым, М.М.Кодировым и другими.

Отдельные аспекты данных преступлений были исследованы также такими российскими учеными, как Л.С.Аистова, В.П.Верин, Б.В.Волженкин, А.И.Долгова, Ю.А.Ежов, А.Э.Жалинский, А.Н.Игнатова, Ю.А.Красиков, Н.Н.Кондрашков, С.Коровинских, А.Г.Корчаген, Ю.П.Кравец, В.В.Ларичев, В.М.Лебедева, Н.А.Лопашенко, В.Минская, С.С.Нестерова, А.И.Парог, Ю.И.Скуратова, В.В.Толкачев, В.И.Тюнин, Т.Устинов, А.И.Фабричный,

Е.А.Фролов, А.Н.Шабунина, А.В.Шестаков, И.В.Шишко, О.Ф.Шишова, А.В.Щербаков<sup>1</sup>.

В исследованиях вышеуказанных авторов были в общем виде исследованы преступления, совершенные в сфере хозяйственной деятельности, их причины и способствовавшие условия, проблемы предупреждения. Однако, поскольку корпоративные отношения, в целом предпринимательские отношения в сфере хозяйственной деятельности, являются новыми для нашей страны, теоретические и практические предложения касательно уголовно-правовых и криминологических аспектов преступлений в данной сфере не даны в полной мере. Многие аспекты вопросов относительно данной проблемы, в частности, назначение за подобные преступления с учетом последних изменений и дополнений в УК, достаточно не исследованы не изучены.

